O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 13 май шанба

Сотувда эркин нархда
№ 91 (2388)



# ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ — МАНГУ БАРҲАЁТ



Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуини барпо этишга қарор қилинган эди. Шу қисқа вақтда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо айлаган эл ўғлонларининг қутлуғ хотирасига пойтахтда муаззам хиёбон бунёд этилди.

12 май, муборак жума тонгида уфқдан бош кўтарган қуёш пойтахтимиз марказидан оқиб ўтувчи Бўзсув соҳилида ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлди. Бир вақтлар киши ёлғиз юришга юраги бетламайдиган хилват гўшани бугун таниб бўлмайди. Буралиб оқаётган Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва ям-яшил сайхонлик. Бунда яшил либос кийган дарахтлар, шаршара бўлиб қуйилаётган фавворалар, саккиз устун кўтариб турган нилий гумбаз, текис ва бежирим йўлкалар киши кўнглида ҳам фараҳ, ҳам ҳазин бир кайфият уйғотади.

Ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрган.

Ўн етти гектарлик кенг хиёбон узра шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўқилган Қуръон оятлари янграйди. Сўнг анъанага мувофиқ, йиғилганларга наҳорги ош тортилди.

Ёдгорлик пойида ўтказилган хотирлаш маросимида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда — кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, деди Юртбошимиз. Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга ва бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган кўплаб ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

“Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси Наим Каримовга сўз берилди. Бундан тўққиз йил илгари, Ватанимиз истиқлолидан аввал, шаҳидлар хотирасини шунчалик эъзозлаш мумкинлигини ҳатто тасаввур қилиб бўлмас эди, деди у. Лекин Ватан мустақиллиги учун курашганлар эрк ва озодлик фидойиларининг умиди ўлмаслигини кўрсатди. Қатағонга учраганлардан бири қўлида кишан билан сўнгги йўлга кетаётиб, ҳомиладор хотинига қарата, қиз кўрсанг, исмини Умида, ўғил туғилса, Нажот қўйгин, деган экан. Бугунги маросим аслида ўша умид қилинган НАЖОТнинг етиб келганини исботлаб турибди.

Қатағон балоси фақат зиёлиларнигина ўз комига тортмаган, истибдоднинг оловида ҳўлу қуруқ баравар ёнган. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида бир туман миқёсидаги раҳбар қамалгач, унинг “думи” сифатида яна эллик саккиз киши бадарға этилган экан. 130 йиллик мустамлака даврида эса Ватаннинг қанчалаб асл ўғлонлари эрк орзусига етолмай, тупроққа бош қўйганини бугун аниқ айтиш қийин. Лекин улуғ шоиримиз Чўлпон ёзганидай: “Йўқ, ўлим йўқ. Бир ўчиб сўниш, яна ёниш бор!”. Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимиз халқимиз хотирасида абадий барҳаётдир.

Маросимда қатағон қурбонларининг авлодлари, яқин қариндошлари — Холида Аҳророва, Мутал Бурҳонов, Рафиқа Абдуғаниева, Назира Қодирова, Эгамназар Қодиров сўз олиб, қатағон даҳшатлари, шаҳидларнинг бегуноҳ оила аъзолари чеккан жабр-зулм, бемисл азоб-уқубат ҳақида сўзладилар. Ўша мудҳиш кунларнинг қайтмас бўлиб кетиши ва шаҳидлар табаррук номларининг тикланиши борасида улкан ишларни амалга ошираётган Президент Ислом Каримовга миннатдорлик туйғуларини изҳор этдилар. Ана шундай хайрли ишлардан бири бўлган мазкур муаззам боғ эса шаҳидларнинг хотирасига қўйилган муносиб ёдгорлик эканини таъкидладилар.

Маросим якунлангач, Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз бугунги авлодлар Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида қурбон бўлган аждодларимиз олдида қарздор эканини таъкидлади. Бугун очилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ана шундай қарзни узиш йўлидаги бир қадамдир. Айни пайтда бу ёдгорликни ҳақиқат ва адолат тантанаси сифатида ҳам тикладик, деди мамлакатимиз раҳбари. Чунки адолат ва ҳақиқат барибир рўёбга чиқади. Адолат ва ҳақиқат бўлмаган жойда эса демократия ҳам бўлмайди, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам иложи йўқ.

Ана шундай буюк мақсадларни ўз фаолиятига шиор қилиб олган бобомиз Амир Темур улкан ва шавкатли давлат қуриш йўлида қанчадан-қанча мушкулотларни бошидан кечирган, қамоқларда азоб чеккан, саҳроларда дарбадар кезган. Лекин у ўз мақсади йўлида собит бўлгани учун ҳам, охир-оқибатда ниятига эришган. Ўша сабот-матонат халқимизга меросдир. Шу сабот буюк келажагимизнинг гаровидир.

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи илк кунданоқ зиёратчилар билан гавжум бўлди.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: маросимдан лавҳалар.**

**А. ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## Президент Ислом Каримовнинг “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳурматли оқсоқоллар!

Авваламбор, мана шу гўзал майдонда тўпланиб турган, узоқ-яқиндан келган, бугунги эзгу ишга дахлдор бўлган сиз, азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга чин қалбимдан ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Ҳурматли жамоат!

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда — кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, албатта.

Одамларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган қатағон йилларида бу кўримсиз жарлик — Алвасти кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига қўрқув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуғ зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганини яқингача кўпчилик билмас эди.

Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган. Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир. Ана шу азиз аждодларимизнинг арвоҳлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан, мана шундай кунларни кутар эди.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Азиз юртдошлар!

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.

Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси янада яққол намоён бўлади.

Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.

Аслида, биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва ғурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш, демакдир.

Бугун ана шу олижаноб мақсад йўлида яна бир қутлуғ қадам қўйилди.

Биз бугун шу табаррук зиёратгоҳда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз.

Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас.

Қатағон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимизни бажо келтириб, шу муборак жума тонгида қилган барча дуои фотиҳаларимиз, илоё, ижобат бўлсин.

Бугунги маросимда узоқ-яқиндан келган ҳамюртларимиз ва меҳмонларимиз орасида Ватанимиз озодлиги, беғубор ҳаётимиз, авлодлар бахт-саодати йўлида қурбон бўлган инсонларнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари иштирок этаётгани тарихимизда адолатнинг яна бир саҳифаси тикланаётганидан далолатдир.

Биз буни ўша қатағон йилларида эзилган, қадр топмаган қанча-қанча одамлар орзиқиб кутган қутлуғ кунларнинг тантанаси, деб қабул қилмоғимиз даркор.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Шу қурилиш давомида ўтганлар руҳини ёд этиб, минглаб юртдошларимиз, муҳтарам нуронийларимиз, зиёлиларимиз, адабиёт ва санъат аҳли, турли касб эгалари ҳашарлар уюштириб, беғараз меҳнат қилгани — алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовор.

Мана шундай бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, барча хайрли ишларга доимо тайёр, қалбида меҳр-оқибат туйғуси ҳеч қачон сўнмайдиган, озодлик йўлида жон берган фарзандларининг табаррук номларини ўз хотирасида ҳамиша сақлаб келадиган, бағрикенг, виждони уйғоқ халқимиз асло кам бўлмайди, иншоолло.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги унутилмас, савобли ва тарихий бир воқеанинг асосий иштирокчилари бўлмиш мана шу ёдгорлик мажмуини бунёд этган моҳир қурувчилар ва қўли гул усталарга, меъмор-муҳандисларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Гўзал боғ-роғлар яратиб, бу жойни обод қилишда қатнашган қадимий Юнусобод аҳлига, барча ҳамшаҳарларимизга таъзим қиламан.

Шу улуғ ва беғараз ишларга ҳисса қўшган қўлларингиз дард кўрмасин, бошингиз омон бўлсин!

Азиз ватандошларим, муҳтарам юртдошларим!

Шу лаҳзаларда ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечаётган бир туйғуни ифода қилиб айтмоқчиман: шаҳидларнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, озодлик ва истиқлолимиз абадий бўлсин!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**12 май куни Олий Мажлис Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Йиғилишни Парламент Раиси Э. Халилов олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси 1999 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган ҳисоботни кўриб чиқди.**

Молия вазири Р.Азимовнинг маърузасида, Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б.Хўжаев, Давлат божхона қўмитасининг раиси С.Орипов нутқларида ҳамда Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадовнинг қўшимча маърузасида ўтган йили бюджет тушумлари ва харажатларнинг мувозийлигига эришилганлиги таъкидланди. Давлат бюджетининг даромадлари 100,3 фоизни ташкил этди, бюджет тақчиллиги эса Олий Мажлис томонидан тасдиқланган ўлчамлардан ортиб кетмади.

1999 йилда Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш йирик миқёсдаги ижтимоий вазифаларни амалга ошириш ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш устуворликларини, шунингдек, давлат ва миллий дастурларни маблағ билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Бундан ташқари, йил давомида иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар микдорларини оширишга, мамлакат мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қўшимча қарорлар қабул қилинди.

Кенгаш, шунингдек, Давлат бюджетининг 2000 йил биринчи чорагидаги ижросини кўриб чиқди.

Кенгаш аъзолари Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ва жорий йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни маъқулладилар ҳамда уларни Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ва таркиб топган амалиётга кўра, Кенгаш йиғилишида Марказий банкнинг 1999 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов сўзга чиқди. Ҳисобот йилида молиявий аҳволни яхшилаш ва пул-кредит тизимини мустаҳкамлашда ютуқларга эришилганлиги таъкидланди. Марказий банкни қайта молиялаш ставкаси пул қадрсизланишининг жорий ва кутилаётган суръатларидан келиб чиқиб белгиланди. Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланди. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларда иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида доимий мониторинг жорий этилди ва у ўтказиб келинмоқда.

Марказий банкнинг кредит сиёсати тижорат банкларининг экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назарда тутувчи устувор инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминланишини рағбатлантиришга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги мажмуини қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Ички валюта бозорини янада ривожлантириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва жорий операциялар бўйича сўмнинг эркин айирбошланишига эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўрилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга Марказий банк тизимида махсус ташкил этилган бошқарма томонидан ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш юзасидан фаол иш олиб борилди.

Марказий банк тўғрисидаги Қонунда белгиланган устав фонди тўлалигича шакллантирилди.

Кенгаш Марказий банкнинг 1999 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Қабул қилинган қарорда Марказий банкка 2000 йилги пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга қаратилган фаолиятни такомиллаштириш, банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, уларни қайта тузиш ва хусусийлаштириш, банк хизматлари доирасини кенгайтириш топширилди.

Тижорат банкларига кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш ва микрокредитлашда кўпроқ мустақиллик беришга қаратилган ишларни олиб боришга, банк тузилмаларини бозор шароитларида ишлашга тайёр, юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлашга катта эътибор бериш тавсия қилинди.

Кенгаш “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган, 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида”ги лойиҳани маъқуллади. Бу лойиҳа Олий Мажлиснинг бўлажак сессиясида депутатлар муҳокамасига қўйилади.

Кенгаш йиғилишида унинг ваколатига кирувчи бошқа қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й.Назаров қатнашди.

# ИЛМИЙ САФАР ЯКУНЛАРИ

Марғилон шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан Бурҳониддин ал-Марғиноний қадамжоларига илмий-тадқиқот экспедицияси ташкил этилди. Унга Бурҳониддин ал-Марғиноний шаҳар жамғармасининг раиси Ўктамжон Эшонбобоев раҳбарлик қилди. Сафар қатнашчилари Тошкент, Самарқанд, Ғиждувон, Бухоро шаҳарларида бўлиб, буюк алломанинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида янги маълумотлар тўплашди. Таниқли журналист Ўктамжон Эшонбобоевнинг «Илму саодатнинг ёркин тимсоли», «Ҳидоя»нинг соҳиби» рисолалари чоп этилди.

# ЖАНГЧИ ХОКИ ОНА-ЮРТИГА ҚАЙТДИ

Номи “Хотира китоби”да қайд этилган жиззахлик Норпўлат Солиев, ҳақиқатан ҳам, эллик йилдан зиёд “номаълум”лигича қолганди. Узоқ қидирув-суриштирувлардан сўнг унинг қабри Польшанинг Лангенау шаҳри яқинида — Рацибуж аҳоли пунктидаги умумий қабристонда эканлиги аниқланди.

Маҳаллий ҳокимликнинг моддий-маънавий кўмаги жангчининг укаси, «Ҳамзаобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Шерпўлат Солиевни олис ўлкага отлантирди. 55 йиллик ҳижрондан сўнг жангчи хоки она-юрти Жиззахга қайтди.

ҚЎШ ХАБАР

# «СОҒЛОМ АВЛОД БОҒИ»

Жиззах вилояти Янгиобод тумани, Жўрахон Усмонов номидаги ижара-ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги ташландиқ 1,5 гектар майдон текисланиб, боғ барпо этилди. Қишлоқ оқсоқоллари унга “Соғлом авлод боғи” деб ном қўйди.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида барпо этилган боғга мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

*Олий Мажлис сессияси олдидан*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси мамлакатимизнинг умумжаҳон иқтисодиётида эгаллаб турган ўрнини янада кенгайтириш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Наманган вилоятидаги ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳабиб Раззоқов мухбиримизга ана шулар ҳақида гапириб берди.**

# ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

– Ҳар бир ишнинг ўзига хос тамойили, қонун-қоидаси бор, шу жумладан, жаҳон бозорига чиқишу хорижий сармоядорларга рўбару бўлишнинг ҳам. Агар бироз бўш келсангиз ёки йўл-йўриғини маромига етказа олмасангиз, тижоратчилар тили билан айтганда, «куйиб қолиш» ҳеч гап эмас. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳам бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан табиий эҳтиёж натижасида юзага келган муҳим ҳужжатдир. Ушбу қонун қабул қилингандан бери ўтган давр мобайнида хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, экспорт ва импорт амалларини рўёбга чиқариш, Ўзбекистонга чет эл сармояларини жалб этиш борасида катта ишлар қилинди. Ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалаларида ҳам сифат ўзгаришлари юз беряпти. Ўтган йиллар тажрибаси ва эришилган натижалар таҳлили ташқи фаолиятнинг янги қирраларини татбиқ этишни тақозо қилаяпти. Бу эса ўз навбатида хорижий шериклар билан иш олиб боришда асқотадиган қонунимизнинг ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта бўлишини талаб этади. Хулоса қилиб айтганда, соҳада юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун амалдаги қонунни керакли моддалар билан тўлдириш зарурияти пайдо бўлди.

Мутахассис сифатида қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси билан танишар эканман, унда мамлакатимизнинг кун сайин ўсиб бораётган экспорт ва импорт салоҳияти ҳисобга олинганини, хўжалик юритиш субъектларининг ундан фойдаланиш имкониятлари пухта расмийлаштириб қўйилганининг гувоҳи бўлдим. Ҳужжат қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилса, ечимини кутиб ётган бир қатор умидбахш инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқиши, ишлаб чиқаришнинг кўпгина тармоқларида рақобатбардош моллар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш, тайёр маҳсулотлар экспорт салоҳиятини кескин оширишга эришишимиз, табиий.

Шу ўринда қонун лойиҳасига ҳам бир қатор таклифларимни билдиришни лозим топдим. Жумладан, унинг 2-моддаси 2-бандида валюта-кредит сиёсати билан бирга инвестиция сиёсатини ҳам кўрсатиб ўтиш, зарур деб ҳисоблайман. Шунингдек, 8-моддани кенгайтириб, унда вилоятларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этишдаги ваколатлари даражаси белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, бунда Конституция ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун талабларини эътиборда тутиш керак.

Биз учун янги фаолият тури бўлган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида баъзан умуммамлакат манфаатлардан чекиниб, давлатга зарар етказиш иллатлари ҳам содир этилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, 10-моддага қўшимча сифатида тизимдаги ваколатли субъектлар ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида ана шундай ҳолатларга йўл қўйсалар, тегишлича жазоланишларини кўрсатиб ўтиш зарур.

Яна бир масала. Ҳозир вилоятларга жалб қилинаётган чет эл сармоялари манбаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият лойиҳалар хорижий банкларнинг ҳукумат кафолатлари билан таъминланган кредитлари ҳисобига амалга ошириляпти. Кўпгина корхоналарнинг ташқи таъсисчилари технологик ускуна ва жиҳозларни келтиришда воситачилик вазифасини бажаришдан нарига ўтишмаяпти. Аниқроғи, ажратилган кредитларга ўз дастгоҳларини сотиб, фойдасини олиш билан кифояланмоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш, уни экспорт қилиш, корхонани кенгайтириш масалалари бўйича Низом мажбуриятларини бажаришни турли баҳоналар билан пайсалга солишаяпти. Бу эса корхоналарнинг тўла қувват билан ишлаб, хорижий кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига тўсқинлик қилаётир. Ана шу жамоаларнинг қарзлари оқибатда республика валюта ресурслари ҳисобидан тўланаяпти. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қонун лойиҳасининг 16-моддасига ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига валюта харажатларини ўзлари қайтаришлари лозимлиги ва мажбуриятлари, жавобгарлиги тўғрисида изоҳ бериш зарур, деб ҳисоблайман.

Мустақилликка эришган ҳар қандай давлатнинг умумжаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаши ва гуллаб-яшнашида ташқи иқтисодий алоқалар муҳим ўрин тутади. Шу боис давлатчилик тизими, урф-одатлари, хўжалик юритиши турлича бўлган хорижлик шериклар билан ҳамкорлик қилиш учун халқаро андозаларга мос, пишиқ-пухта ҳуқуқий асосга эга бўлмоқ лозим. Бунда сессия муҳокамасига янги таҳрирда киритилиши мўлжалланаётган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонун ана шундай асос бўла олиши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Қудратилла НАЖМИДДИНОВ ёзиб олди.**

***Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Кореядаги элчихонасида Илмий-техникавий жиҳозлар бўйича (KSIIC) корейс саноат кооперативининг ижрочи директори Ки Тэк Янг билан учрашув бўлиб ўтди.***

# БИЗНЕСМЕНЛАР КЎМАГИ

**KSIIC — Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) томонидан Ўзбекистондаги лицей ва коллежларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида миқдори 35 миллион АҚШ долларига тенг бўлган имтиёзли кредит ажратишга доир дастурнинг асосий пудратчиларидан биридир.**

**Ки Тек Янг мазкур ташкилот номидан 11 миллион 200 минг корейс вони миқдоридаги беғараз пул маблағини Ўзбекистон элчихонасига топширди. Ушбу молиявий ёрдам Орол денгизини сақлаб қолиш ва унинг фожиаси таъсирига учраган ҳудудларда экологик ҳолатни соғломлаштиришга йўналтирилган дастур ва лойиҳалар учун сарфланади.**

**Ки Тек Янгнинг таъкидлашича, мазкур инсонпарварлик тадбири KSIIC томонидан Оролбўйи аҳолисига кўрсатиладиган беғараз ёрдамнинг дастлабки босқичидир.**

**«Жаҳон» АА.**

*Эркинлаштириш – ҳаётий зарурат*

# 100 МИЛЛИОН СЎМ НАҚД ФОЙДА

**«Кувасой чинниси» акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилда шунча миқдорда соф даромад олмоқчи**

– Корхонамиз ўтган йилни 34 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Бу маблағнинг бир қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, яна бир қисми эса болалар муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига йўналтирилади. Бундан ташқари замонавий ўқитиш асбоб-ускуналари, компьютерлар сотиб олиш учун шаҳар халқ таълими бўлимига 1 миллион сўм ўтказиб берамиз.

Жамият раиси Ҳамрожон Набиевнинг халқ таълими муаммоларига бағишланган вилоят фаолларининг йиғилишидаги ана шу сўзларини тингларканман, ўзимга ўзим савол бердим: бундан атиги уч йил аввал иқтисодий бўҳрон ёқасига келиб қолган корхона қандай қилиб қисқа муддат ичида қаддини шунчалик тиклаб олди? Ва жамиятда бўлганимда, унинг раисидан эришилган ютуқларнинг омилларини сўрадим.

– Биринчи омил иқтисодиётни эркинлаштиришдир, – деди у изоҳ бериб. – Биласизми, илгари ўн етти хил хомашё Украина ва Россиядан келтирилар, бу қўлимизни ипсиз боғлаб турарди. Нима қилиш керак? «Бизда кўплаб ихтиро ва рационализаторлик таклифлари бор. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш керак», дейишди мутахассисларимиз. Шундай қилдик. Натижада ўзимизда ўтга чидамли ғишт, электр чархлагич сингари импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чет элдан олиб келинадиган қандил, кошинбоп бўёқлар ҳам шу ерда тайёрланяпти. Бундан ташқари, мавжуд қудуқларни таъмирладик. Бу билан шаҳардан сув олиш тўхтатилди. Ташқаридан иссиқ сув ва буғ келтиришдан воз кечиш учун эса иккита қозонхона қурдик. Булар асосан эркин сотувдаги акцияларни сотишдан тушган маблағ ҳисобига бўлди. Оқибатда ушбу мақсадлар учун сарфланадиган 4,5 миллион сўм тежаб қолинди.

Муҳими, ана шу тадбирларни амалга ошириш туфайли 1999 йилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси 123,7 фоиз бажарилди. Яъни, 256 миллион 422 минг сўмлик ўрнига 317 миллион 279 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу 1998 йилга нисбатан 122,3 фоиз ўсиш, демакдир.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш режаси эса 115 фоиз уддаланди. Бошқача айтганда, 277 миллион 663 минг сўмлик ўрнига 319 миллион 288 минг сўмлик маҳсулот сотувга чиқарилди. Бу борада 112,2 фоиз ўсишга эришилди.

Ҳозир 2000 нафарга яқин ишчи-хизматчи харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш билан банд. Жамоа омбор учун эмас, харидор учун ишламоқда. Буюртма берилдими, бас, бир ҳафта муддатда, айтилган миқдорда сифатли маҳсулот уларнинг қўлига тегади. Бу эса мижозларнинг корхонага бўлган ишончини янада оширмоқда. Корхонанинг «Буюртма папкаси»даги ҳужжатлар — 2000 йил учун 500 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб бериш юзасидан имзоланган шартномалар шундан далолат беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, жамоа жорий йилда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, буюртмачилар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини ошириш, жаҳон андозаларига мос, харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига 100 миллион сўм соф фойда олмоқчи. Ўтган ойларда эришилган натижалар бу мўлжалда асос борлигини кўрсатмоқда.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

# БУХОРО МАЙОНЕЗИ

*«Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти қошида Ўзбекистон-Исроил ишбилармонлари ҳамкорлигида «Бух-тел» майонез ишлаб чиқариш қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида бу янги корхона оғизга тушишга улгурди.*

*Айни пайтда мазкур қўшма корхонада замонавий Исроил технологияси асосида тайёрланаётган майонез маҳсулотини эса нафақат бухороликлар, балки қўшни вилоятлар аҳолиси ҳам харид қилишмоқда. Нархи арзон, таъми ҳам харидор талабига мос ушбу майонез таркибида ёғ, сирка, тухум кукуни ва маҳаллий хомашёлардан тайёрланган турли унсурлар бор.*

*Шу кунларда қўшма корхонада соатига 250 граммлик ихчам идишларда жаҳон андозаларига мос 300 килограмм маҳсулот тайёрланмоқда. Ҳозиргача корхонада 22,5 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.*





СУРАТЛАРДА: «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Бух-тел» қўшма корхонасининг майонез ишлаб чиқариш цехи умумий кўриниши; илғор ишчи Умида Аҳмедова.

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

ИМКОНИЯТ

# БИР ҚИШЛОҚДА ҚЎШ КОРХОНА

**Корхона ишловчини танлар эди, бу ерда эса, аксинча, ишловчи корхонани танламоқда. Олтинкўл туманининг Кўмакай қишлоғида иш бошлаш арафасида турган икки қўшма корхонада вужудга келаётган юзлаб янги иш ўринлари ёшларга ана шу имкониятни берди.**

— Ўзига оро берган, шаҳар қизларидан сираям қолишмайдиган ёшлар тўп-тўп бўлиб қаерга ошиқмоқда? — қизларга ишора қилди ҳамроҳим.

— Ишонасизми, бизда ҳар бир маҳалланинг ўз қўшма корхонаси бор. Ўғил-қизларимиз ўша корхоналарда ишлаш учун ҳозирдан тайёргарлик кўрмоқда, ҳунар ўрганяпти, — ғурурланди оқсоқол.

Бунга қадар эса «Аюп» хусусий кичик корхонасида юмшоқ мебеллар, стол-стуллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Чеварлар бўлса пальто, плаш, бежирим кўйлак, костюм-шим тикиб, мижозлар эътиборига тушганди. Корхона раҳбари Абдуқаҳҳор Муҳамедов энди иш кўламини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва шу йўл билан ташқи бозорга чиқиш истагида япониялик ва хитойлик ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Ўзаро шартномага мувофиқ, илғор технология, жумладан, янги тикув дастгоҳлари, компьютерлашган жиҳозлар келтирилди. Ҳадемай, хорижликлар билан ҳамкорликдаги корхона ўзининг дастлабки маҳсулоти — «Пеле» кўлқопини сотувга чиқаради.

— Корхона фаолияти бу билан чегараланмайди, — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Т. Юнусов. — Қишлоқ саноатчилари оёқ кийимлари тикишни ўзлаштириб олгач, трикотаж газламаларни ҳам ишлаб чиқаришга киришадилар.

Манфаатдор томонлар ана шу мақсадларга ҳозирнинг ўзидаёқ 488 минг 800 АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирди.

Тоза ўсимлик ёғи тайёрлашга ихтисослашган учинчи қўшма корхона Ўзбекистон, Бельгия, Америка тадбиркорлари ҳамкорлигида барпо этилмоқда. Қишлоқ ишбилармонлари тозалаш, қадоқлаш каби мураккаб жараёнларни сифатли бажарадиган дастгоҳларни ўрнатиб бўлишди.

Эрта-индин ўз эшикларини маҳаллий ёшлар учун кенг очадиган, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулот етказиб берадиган юқоридаги корхоналар қишлоқда қад ростлаётганлиги, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «КИЧКИНТОЙ»НИНГ ЖАЖЖИЛАРГА ТУҲФАСИ

**Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» ҳиссадорлик жамияти қошида австриялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда йилига 450 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Янги Вега» қўшма корхонаси иш бошлади.**

Мазкур корхона мактаб ёшигача ва мактаб ёшидаги болаларга 13 хил моделдаги мавсумбоп пойабзаллар тайёрлашга ихтисослаштирилган бўлиб, унда кунига 850-1000 жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқарилмоқда. Янги маҳсулотлар ўта сифатлилиги, бежиримлилиги боис унга буюртма берувчилар сони ортмоқда. Ҳозирданоқ республика Халқ таълими вазирлиги ана шундай турдаги болаларбоп пойабзалларга 30 миллион сўмлик, бошқа мижозлар эса 250 миллион сўмлик тайёр маҳсулотга буюртма беришди.

Корхона раҳбари Хўжа Эралиевнинг таъкидлашича, йил охирига бориб, ишлаб чиқарилаётган экспорт ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларнинг қарийб 30 фоизини австриялик ҳамкорларнинг ўзлари харид қила бошлайдилар. Қолган қисми эса ички бозорга ва Ҳамдўстлик давлатларига экспортга чиқарилади.

Айни пайтда «Ўзенгилсаноат» уюшмаси, «Кичкинтой» ҳиссадорлик жамияти ва Австриянинг «Вега» фирмаси муассислигида ташкил этилган қўшма корхонада 120 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. У тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, яна 180 киши ишга қабул қилинади.

Хомашё асосан Германиядан, бир қисми эса «Ўзенгилсаноат» уюшмаси таъминот базаларидан харид қилинмоқда.

Яқинда корхона маъмурияти хорижлик ҳамкорлар билан четдан хомашё келтиришни чеклаш мақсадида янги технология ёрдамида маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни синовдан ўтказишди. Натижа ёмон бўлмади. Янги маҳсулотга ҳамкорлар юқори баҳо бериб, «Ўздавстандарт» қўмитасига намуна сифатида жўнатилди. Келгусида у ижобий баҳолангач, бундай турдаги маҳсулотлар сони тағин-да ортади.

Асосийси, четдан келтирилаётган хомашё учун сарфланаётган харажатлар қисман бўлсада иқтисод қилинади. Дўконларимиздан эса бирмунча арзон, сифатли болалар туфлисини харид қилиш имконияти пайдо бўлади.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**«Туронбанк»:**

# МАҚСАД — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ҳар бир давлат бозор иқтисодиётига ўз йўли билан боради. Бу йўл сермашаққатлидир. Ислоҳотлар амалга оширилаётган йиллар мобайнида ҳаётимизга бозор тушунчалари ва муносабатлари кириб келибгина қолмасдан, республикамизда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил топган бозор иқтисодиёти фахрийлари ҳам пайдо бўлди. "Турон" акциядорлик-тижорат бирлашув банки ана шундай фахрийлар ўртасида муносиб ўрин эгаллайди. Ўзбекистоннинг дастлабки тижорат банкларидан бири бўлган «Туронбанк» бу йил ўзининг ўн йиллигини нишонлайди. Ушбу банк қатор муассислар, асосан сув хўжалиги идоралари корхоналари томонидан таъсис этилган. Банкнинг асосий вазифаси — ягона молиявий иқтисодий ҳудудда сув ва қишлоқ хўжалиги корхоналари тизимини, шунингдек, сув иншоотларини барпо этиш, таъмирлаш ва фойдаланиш билан шуғулланувчи ташкилотларни бирлаштиришдан иборат. «Туронбанк» улар учун ягона молиявий марказ бўлиши, шу орқали қишлоқ хўжалиги, аввало, ерлар ҳолатини яхшилашга қаратилган мақсадли дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва молияланишини осонлаштириши лозим эди.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур молиявий тузилманинг истиқболи порлоқ эди. Банк олдида асосий фаолият соҳаси билан биргаликда энди ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ҳамкорлик қилиш, мижозлар сонини кўпайтириш, қишлоқ қиёфаси ва инфратузилмасини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва кишилар турмушини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш имкони туғилди. Банк ривожлана бориб, хизмат кўлами ҳам кенгайди. Бироқ муваффақиятлар билан бирга қийинчиликлар ҳам учраб турди. Кредитларни қайтармаслик, жойлаштирилган маблағларнинг кам фойда келтириши, бошқарувдаги нуқсонлар қайтарилмаган қарзларнинг кўпайишига, мажбуриятлар бўйича тўла жавоб бера олмасликка, мижозларни йўқотишга олиб келди. Айланма маблағлар ҳам камайиб кетди. Бу ҳол икки йилдан ортиқ давом этди. Энди вазият ўзгарди. Тахминлар шуни кўрсатмоқдаки, 2000 йил «Туронбанк» учун янги молиявий натижаларга эришиш йили бўлади. Банк томонидан устуворликларнинг аниқ белгиланганлиги ўзгаришлар гаровидир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ислоҳотларнинг янги босқичидаги муҳим вазифалар қаторида молия ва банк тизимини ривожлантириш зарурлигини қайд этган эди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, банклар уларнинг тараққиётидан манфаатдор бўлган корхоналарнинг ҳақиқий ҳамкорига айланиши керак. Бу сўзлар «Туронбанк» раҳбарияти учун дастуриламалга айланди. Банк ўзининг барча саъй-ҳаракатини мамлакат иқтисодиётининг асосий соҳаси — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтиришга қарор қилди. Банкнинг бу борадаги асосий ҳамкорлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналари ва ташкилотларидир. Зеро, бунинг учун банкда барча зарур жиҳатлар — манфаатлар бирлиги, кўп йиллик тажриба ва ҳамкорлик истаги, соҳанинг ўзига хос нозик томонларини пухта билиш сингари омиллар мавжуд.

Дарвоқе, қишлоқ хўжалиги тизими корхоналари, айниқса, сув хўжалиги корхоналари ҳар доим банк мижозлари бўлиб келган. Масалан, ўтган йили «Туронбанк» орқали сув хўжалиги объектлари капитал қурилишига ўн миллиард сўмлик бюджет маблағлари молияланган эди. Ушбу маблағ ҳисобидан етти минг гектар янги ер ўзлаштирилди, суғориладиган майдонларнинг деярли 31 минг гектарида мелиоратив ҳолат яхшиланди ва 27,5 минг гектар майдон қайта тикланиб, сув омбори қурилиши молияланди.

Бу йил айни шу мақсадлар учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан бир ярим баробар миқдорда кўп маблағ ажратилган. Бу ишнинг кўлами жуда кенг: бугунги кунда ҳар бир вилоятда 80 дан 120 тагача сув хўжалиги объектлари қурилмоқда. Уларнинг барчаси «Туронбанк» томонидан молияланади. Энг йирик қурилишлар қаторида Фарғона вилоятидаги «Сўх» сув омбори, Сурхондарё вилоятидаги «Тўполанг» сув омбори, Наманган вилоятидаги "Чодак" мавзесини ўзлаштиришга мўлжалланган "Орзу" насос станцияси, Сирдарё вилоятидаги коллектор-дренаж сувларини чиқариб юборишга мўлжалланган "Сичанкўл"ни санаб ўтиш мумкин. Тошкентдаги Анҳор каналини қайта тиклаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда — анҳор соҳилида Алишер Навоий номидаги миллий боғни кенгайтириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу борадаги фаолиятда кичик энергетикани ривожлантириш дастурига алоҳида аҳамият берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида кичик гидроэнергетикани ривожлантириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилоятида «Тўполанг» сув омбори қошидаги кичик ГЭС қурилишининг молияланишини тезлаштириш учун кичик банк очилиши мўлжалланмоқда. «Туронбанк» раҳбарияти бунга катта умид билан қарамоқда, чунки бу шохобча мижозлар билан алоқанинг мутлақ янги турини йўлга қўйиш имконини беради. Чунончи, мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган электрон тўловлар тизими ҳисоб-китобларининг амалга оширилишини тезлаштиради, банкни мижозларга яқинлаштиради ва натижада умумий ишни осонлаштириш имконини беради.

«Туронбанк» мутахассислари тўловлар ўтишини тезлаштириш ва бошқа кичик ГЭСлар қурилиши билан шуғулланаётган пудратчилар ўртасида ҳисоб-китобларни тезлаштириш йўлларини ишлаб чиқмоқда. Бу ўринда Қашқадарё вилоятидаги «Ҳисор» сув омбори, Самарқанд вилоятидаги "Айланма Дарғом" канали, бошқа дарё ва каналлардаги ГЭСлар қурилиши назарда тутилган. Шу мақсадлар учун жами 10 та кичик банк очилиши мўлжалланган. Бундай банклар сув хўжалиги тизими корхоналари ва ташкилотлари кўп бўлган ҳудудларда очилади.

Бундан ташқари, ўтган йили ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида иш ҳақи бўйича қарздорликни қисқартириш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига банк томонидан 600 миллион сўмлик кредит ажратилди. 200 миллион сўмдан ортиқ қисқа муддатли кредитлар қурилиш материаллари ва конструкциялари, ёнилғи-мойлаш материаллари харид қилиш учун берилди. Натижада 640 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Соҳа корхоналарига кўрсатилган факторинг хизмати кўлами ўтган йили 550 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу йилнинг биринчи чорагида 158 миллион сўмдан ошиб кетди. Натижада корхоналарнинг ўзаро қарздорлиги қисқарди, иқтисодий самара эса, бир миллиард сўмдан ортиқ бўлди.

Айни пайтда банк Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналари билан ҳамкорликда тўловларни ўтказишни тезлаштириш устида мунтазам иш олиб бориб, корхоналарнинг ўзаро қарзларини қисқартиришга доир ҳисоб-китобларни амалга оширмоқда. Ўтган йилнинг сентябр ойидан бугунгача 44 миллиард сўмдан ортиқ ҳажмда ҳисоб-китоб бажарилди. Банк вазирлик билан биргаликда сув хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари айланма маблағларини тўлдириш бўйича ҳам дастурлар ишлаб чиқмоқда.

Банкда кичик ва ўрта бизнесни кредитлашга янгича ёндашилмоқда. 1999 йил мобайнида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига 400 миллион сўмлик 200 га яқин кредит ажратилди. Банк иқтисодиётнинг бу соҳасини кредитлаш ҳажмини кенгайтириш учун мижозлар маблағини ва бюджетдан ташқари жамғармаларни фаол жалб этмоқда. Банк ўтган йилдан бошлаб шу мақсадга «Бизнес-фонд», Меҳнат вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси кредит линиялари маблағлари ҳисобидан 85 миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Бу маблағлар асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ташкил этишга ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Бундан ташқари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини Германиянинг КфВ банки ажратган кредит ҳисобидан ҳамкорликда молиялаш тўғрисида келишилган.

Банкнинг барча бўлимларида тадбиркорлар фаолияти учун зарур маълумотларни, шунингдек, банк мутахассислари маслаҳатларини олиш мумкин. Тадбиркорларга кредит олишда ёрдам кўрсатишга мўлжалланган семинарлар мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Ҳар бир бўлимда ишонч телефонлари ишламоқда.

Банк фаолиятида ҳамон айрим муаммолар мавжуд бўлса-да, бу йил қийинчиликларни бартараф этиш ва ривожланиш йили бўлади. Жумладан, республика Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўтарилган масалаларни бажариш учун банкда махсус дастур ишлаб чиқилган ва у амалиётга жорий этилмоқда.

Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, қишлоқда янги иш ўринларини барпо этишга ёрдам беради.

**Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎзА мухбири.**

# КРЕДИТ — ТАДБИРКОРЛАРГА

Жиззах вилоятида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда.

— Вилоят тижорат банклари томонидан шу йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 347 та лойиҳага жами 2331,7 миллион сўм кредит ажратилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вилоят бошқармаси бошқарувчиси Баҳриддин Бекжонов. — Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида эса уларга 168 та лойиҳа учун 340,2 миллион сўм кредит маблағи берилди.

Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотлар самарасини хусусий тадбиркорларсиз тасаввур этиш қийин. Фермерлар ва турли соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни микрокредитлар билан таъминлашни давр тақозо этмоқда. Вилоят бўйича йил бошидан бери тижорат банклари томонидан 42 та лойиҳа учун 56,6 миллион сўм миқдорида микрокредит тарқатилиши фикримизнинг далилидир. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Лалмикор-Ш» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси, ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган «Эл-Эрк-Нур» корхонаси хорижий валютада кредит олиб, чет эл технологиясини ўрнатиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлдилар.

**А. СОДИҚОВ.**

*Соғлом бўлай десангиз*

# ЯШАРИШНИНГ УЧ СИРИ

Буюк аллома ва ҳаким Ибн Сино ўзининг кўпгина асарларини, илмий фикрларини қариялар ҳаётига, уларнинг соғлиқларини яхшилаш муаммоларига бағишлади. Унинг «Тиб қонунлари» деган машҳур асарида айтилишича, масалан, ўрта ёшдаги инсонлар учун, энг аввало, кўпроқ ҳаракатда бўлиш, тартиб билан овқатланиш вақтлари ва уйқу зарур. Қариялар учун эса, энг зарури тўйиб ухлаш, меъёрий овқатланиш, ундан кейин эса жисмоний машқлар тавсия этилади. Ибн Сино кўрсатмасича, қариялар тақдиридаги энг таъсирчан омиллардан бири инсоннинг турмуш тарзи ва яшаш жойидир. Энг узоқ умр кўрганлар тоғлиқ ерларда, тоза ҳавода, кенг сайхон ерларда истиқомат қилувчилар эканлиги аллақачонлар тан олинган ҳақиқат. Бундан ташқари, қарияларнинг шамоллашга жуда мойилликлари, шунинг учун ҳам улар қиш, куз фаслларида ўзларини кўпроқ ёмон ҳис қилишлари, ёз эса улар учун анча тетикланиш фасли эканлиги таъкидланади.

Буюк ҳаким китобларида кексайишнинг яна кенг тарқалган асосий сабабларидан бири овқатга боғлиқ. Яъни ножоиз овқат ичакдаги чириш жараёнини кучайтиради, дейилади. Бунда Ибн Сино тўқималарда заҳарли моддаларнинг сўрилиши улар учун жуда оғир кечишини тасдиқлайди. Бунинг оқибатида инсон «қуриб», озий бошлайди, анча ҳоли танг бўлиб, қарилик аломатлари тезлашади.

Абу Али ибн Сино уйқунинг фақатгина организмнинг тикланишдаги ролини эмас, унинг шифобахш таъсирини ҳам таъкидлайди. Яъни, уйқу туфайли ҳолсизлик йўқолади. Руҳият дарду ғамдан имкон қадар тозаланади, чарчаш-толиқиш аломатлари анча камаяди. Алломанинг тасдиқлашича, уйқу — модда алмашиниш жараёнини тезлаштиради, эндокрин (ички секреция) безларининг фаолиятини яхшилайди, мия-қон айланиши йўлга қўйилади. Иккинчи ўринга — қарияларнинг тўғри овқатланиш зарурлиги қўйилади, айниқса, витаминларнинг роли алоҳида кўрсатиб ўтилади. Ибн Сино маслаҳатлари орасида сабзавот ва мевалар истеъмоли алоҳида ўрин эгаллайди. Сабзавотлардан тайёрланган ҳар хил шакароблар ичига кашничсимон кўкатлар тўғраб солиш, албатта, пиёз, саримсоқ ишлатишни тавсия этади. Кашничсимон кўкатлар буйрак, унинг йўллари, сийдик қопини тозалаш, ўсимликлардан чиқадиган учувчан моддалар (фитонцидлар) эса «қиздирувчи» сифатида таъсир этиб, қарияларнинг бадан ҳароратини совиб қолишдан асраши мумкинлиги эслатилади. Саримсоқ пиёзни, айниқса, 55 ёшдан кейин кўпроқ истеъмол этиш тавсия этилиб, уни салатлар билан, овқатга солиб ва нонга суриб ейиш мумкинлиги уқтирилади. Бу табиат неъмати қорин дам бўлишини йўқотади, қабзиятнинг олдини олади, уни, айниқса, зайтун ёғи билан дамлаб, сабзи суви билан эзиб ичилса, жуда ҳам фойдали ҳисобланади. Саримсоқ пиёз, маълумотларга қараганда, ўзимизнинг Марказий Осиё сабзавоти бўлиб, француз ботаниги А. Декандоль унинг биринчи марта Қирғизистон чўлларида ўсганлигини ва ўша ерда топилганлигини айтиб ўтган.

Ҳозирги замонавий талқин бўйича пиёз, саримсоқ пиёзда жуда кўп табиий малҳам бўлиб, улар ошқозон-ичак ва оғиз бўшлиғини жуда яхши тозалаш ва турли микробларни йўқотиш хусусиятига эга. Катта ёшдаги одамларда у яна ичак муҳитини яхшилайди ва фаолиятини тезлаштиради.

Ибн Сино, шунингдек, анжир ва олхўрининг қариялар организмига яхши таъсири ҳақида гапириб ўтган. Улар ични бўшаштириб, қабзиятни тўхтатади. Айниқса, анжир, узум ва хурмо биргаликда ейилса, анча тўқ ҳам тутади. Ибн Сино даврида анжир жуда арзон бўлиб, ҳамма хонадонларда экиб, ўстирилган ва йилнинг ҳамма фаслида халойиқ еб юриши мумкин бўлган мевалар қаторига кирган. Шунинг учун унинг қоқси ҳам, янги пишгани ҳам фойдали ҳисобланиб, кенг тарғиб қилинган. Ҳозирги даврда 100 грамм анжирда 0,5 грамм ниацин борлиги, у эса ошқозон секрециясини ва унинг ҳазм фаолиятини яхшилаши илмий исботланган.

Олхўри — қадим замонлардан бери ични юмшатувчи восита ҳисобланиб келинади. Ибн Сино фикри бўйича, олхўри ўт қопи ишини яхшилаб, ўтнинг яхши ажралишини таъминлайди, унинг йўлларда тутилиб қолмаслигига таъсир қилади.

«Ширин олхўри сариқ ўтни чиқаради, у бу ишни ҳамма мевалардан афзалроқ бажаради», — дейилади алломадан қолган асарларда. Юқоридаги маслаҳатлардан кўриниб турибдики, Ибн Сино, аввало, ошқозон-ичак ишини яхшилаш, қабзиятнинг олдини олиш, организмни ўз вақтида тозалаб туриш заруриятларини биринчи ўринга қўйган ва қарияларни даволашда асосан шунга риоя қилган.

Таомлардан кўпроқ тавсия этилганларидан яна бири «Зайтун» ёғи. Бундай ёғ ўша даврда Марказий Осиёда кенг ишлатилган бўлиб, у асосан Суриядан келтирилган. Унинг таркибида атеросклерозга қарши стерин моддалари кўп бўлган (230-310 мг.)лиги ўша даврлардаёқ аниқланган.

Сут — овқат рационида қариялар учун алоҳида ўринни эгаллайди. Ибн Сино сутни инсон қонига тенглаштириб, уни кўкларга кўтаради, у қариялар учун жуда ҳам зарур таом, деб билади.

Шу билан бир қаторда, маълум инсонларда сутга реакция — қорин дам бўлиши, ични суриши мумкинлиги, шунинг учун ким-ки ича олса, ичиши кераклиги эслатиб ўтилади. Сут ҳақида ўша даврда Гален шундай деб ёзган: «Мен бир деҳқон чолни биламан. У қишлоқда яшарди, фақат нон билан эчки сутини ичиб кун кўрарди. У 100 йилдан ортиқ яшади, у баъзан нокка асал ҳам суриб ерди». Ибн Сино эчки сутидан ташқари, яна бўталоқ сутларини ҳам кўп тарғиб қилган.

Кейинги учинчи маслаҳат, бу — доимо ҳаракатда бўлиш, ўзи севган ишини давом эттириш, уни маълум бир тартиб билан мунтазам бажаришга доирдир.

Бу фикр ҳозир ҳам муҳим.

Бобокалонимиз Абу Али Ибн Синонинг кексаликка доир маслаҳатлари замирида кучли инсонпарварлик руҳи борки, уларни ёдда тутишимиз шарт.

**Н. НАСРИДДИНОВА,**
**1-Тошкент давлат тиббиёт институти профессори.**
**Ш. АСҚАРОВА,**
**доцент,**
**Х. УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**ассистент.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар бўш лавозимларига танлов эълон қилади.**

***Кафедра мудирлигига:***
*органик кимё, тайёр дори турлари технологияси, аналитик кимё.*

***Кафедралардаги қуйидаги лавозимларга:***

1. Фармакология-профессор (1), доцент (1);
2. Дорилар токсикологияси-доцент (1), ассистент (1);
3. Биологик кимё-катта ўқитувчи (1);
4. Тиббий биологик фанлар - катта ўқитувчилар (1), ассистент (1);
5. Доривор ўсимликларни стандартлаш-доцент (1) ва ботаника-доцент (2);
6. Ноорганик ва физик-коллоид кимё-доцент (1);
7. Чет тиллар-катта ўқитувчи(1);
8. Фармацевтик кимё-профессор (1), доцент (1);
9. Фармация иқтисодиёти ва менежмент-профессор (1), катта ассистент (1);
10. Тайёр дори турлари технологияси-ассистент (1)
11. Махсус дори турлари-ассистент (1);
12. Жисмоний тарбия-катта ўқитувчи (1):

**Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.**
**Мурожаат учун манзил: 700015, Тошкент, Ойбек к., 45.**

2863

# БЕКОБОДЛИК ҚУРУВЧИЛАР АҲДИ

*Металлурглар ва бинокорлар маскани — Бекобод саноати ҳар томонлама ривожланган шаҳарларимиздан биридир. Бу гўшада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда замонавий услубда қурилган металлургия коллежи, теннис корти, катта-катта бекатлар, кўплаб озиқ-овқат дўконлари ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар мевасидир.*

*Шаҳарда яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. «Ёшлар уйи»ни тубдан таъмирлаш бошлаб юборилди. Бу вазифани «Лимлюкс» хусусий фирмаси бунёдкорлари адо этмоқдалар. Улар Мустақиллик байрами нишонланадиган кунга қадар 300 ўринли ёзги ҳамда қишки тўйхоналарни, шунингдек, Никоҳ уйини қайтадан таклашга аҳд қилганлар.*



**СУРАТДА: Бекободдаги «Ёшлар уйи» мажмуида олиб борлаётган ишлардан бир лавҳа — қурилиш бригадаси бошлиғи Ш.Собиров (ўртада) ҳамкасблари Р.Исмоилов ва Р.Аюпов билан суҳбатлашмоқда.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ**

**Ёшлар дастури доирасида**
**"Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун кичик грантлар" дастурида иштирок этиш учун танлов эълон қилади.**

**Танловнинг мақсади — 25 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси ёшлари вакилларининг мустақил ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.**

Танлов ғолиблари қисқа муддатли (3 ойдан ортиқ бўлмаган) якка ҳолда ёки жамоа билан бирга ишлайдиган шаклда тақдим этган лойиҳаларини **100 дан то 1000 АҚШ доллари** миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунининг расмий курси бўйича сўмда)ги моддий ёрдам асосида амалга ошириш имконига эга бўладилар.

**Тақдим этиладиган лойиҳалар қуйидаги соҳаларга тааллуқли бўлиши керак:**

- Ижтимоий
- Маданий
- Экологик

Шу билан бир қаторда қўшма лойиҳалар ҳам қабул қилинади.

Кўриб чиқиладиган асосий талаблар:

- Ғоянинг янгилиги ва ўзига хослиги (оригиналлиги)
- Маданий, ижтимоий ва экологик соҳаларда мустақил фикр ва ғояларнинг мавжудлиги.
- Умумбашарий, умуминсоний ва миллий ғоя ҳамда шаклларни амалга оширишдаги мутаносиблик.
- Очиқ жамиятнинг асосий ғоя ва принципларига мувофиқлиги.

Лойиҳани қўшимча маблағ билан таъминлаш манбаларини излаш рағбатлантирилади. Соврин ва мукофотлар бериш кўзда тутилмайди. Ҳар бир даъвогардан фақат битта лойиҳа танловга қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун Очиқ Жамият Институтига ўзбек ёки рус тилларида қуйидаги ҳужжат ва материаллар топширилиши лозим.

- Лойиҳанинг ғояси асослаб берилган ва унинг асосий кўлами (иштирокчилари, тартиби, муддати ва ўтказиладиган жойи, амалда, муфассал бюджет, кутилаётган натижалар ва ҳоказолар) қайд этилган 5-босма матн варағидан ошмайдиган лойиҳанинг қисқача баёни.
- Лойиҳанинг даъвогари (лойиҳа раҳбари) ҳамда унинг иштирокчилари ҳақида маълумотлар, яъни таржимаи ҳоллари, телефон ва манзилгоҳлари, расмий ҳужжатларнинг нусҳалари (паспортнинг биринчи варағи ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома, диплом ва хоҳиш бўйича бошқа расмий ҳужжатлар).
- Лойиҳага тааллуқли бўлган ижод намуналари (слайд, нусха, аудио, видеоматериаллари, асл нусхалари ва ҳоказо).
- Лойиҳа бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ижодиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалар (хоҳишга қараб).

Аризаларни қабул қилиш – ушбу эълон газетада чоп этилгандан бошланади. ***Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги куни – 2000 йил 20 май.*** Аризалар Ўзбекистон – Очиқ Жамият Институти Ёшлар дастурининг Эксперт қўмитаси томонидан кўриб чиқилади. Май ойининг охирида танлов натижалари эълон қилинади.

**ТАҚДИМ ЭТИЛГАН АРИЗАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА ҚАЙТАРИБ БЕРИЛМАЙДИ**

**Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институти ваколатхонасига мурожаат қилишингиз мумкин.**
**Аризалар қуйидаги манзилга тақдим этилиши лозим:**
**Тошкент шаҳри, 700031, «Зарбоғ» кўчаси, 31-уй.**
**Телефон/факс: (3712) 152 36 98, (3712) 152 39 15, (3712) 152 39 16**
**Email: anvar@debate.uzsci.uz**
**Ёки қуйидаги манзилга:**
**700025, Тошкент ш., «Кичик бешёғоч» кўчаси (аввалги Стародубцева), 108-уй.**
Ёшлар дастури координатори – Анвар Раҳимов

2869

# МЕҲР ҚОЛУР...

Навоий вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси Соғлом авлод йилига бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.

Вилоятда 6844 нафар ногирон истиқомат қилади. Уларнинг 328 нафари протез-ортопедик хизматга муҳтож. Шунга яраша протез-ортопедик корхоналар билан шартномалар тузилган. Яқинда 5 нафар ногиронга махсус аравача етказиб берилди. Ногиронларни реабилитация қилиш марказида шу йилнинг ўтган даврида 250 нафар ногирон реабилитация қилинди. Шулардан 74 нафари 16 ёшгача бўлган ёшлардир.

ҚЎШХАБАР

# ДАВРА СУҲБАТИ

Навбаҳор туманидаги ҳар бир маҳалла, мактабда балоғат ёшидаги қизлар билан давра суҳбатлари бўлиб ўтаяпти. Хотин-қизлар кенгашлари бу тадбирнинг ташаббускоридир. Тиббиёт ходимлари, маҳалла фаоллари, муаллимлар, кўпни кўрган момолар, энг намунали ҳисобланган келинлар ўз ҳаётлари ҳақида ёшларга сўзлаб бериш билан бирга, бола тарбиясига оид амалий машғулотлар ўтказмоқдалар. Кейинги тўпланишларда ана шу йиғинларнинг самаралари ҳақида фикрлар эшитилаётир.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ.**
**Навоий вилояти.**

**ABN·AMRO Bank**

**Best Bank in Uzbekistan**

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда

Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси — АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("Банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-йўлак.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс: 120-63-67.*

2777

